O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

**Ислом КАРИМОВ:**

Мана шундай улуғ кунда халқимиз ўзининг инсоний бурчини адо этиб, жангу жадалларда ҳалок бўлганлар, шу ёруғ, дориламон кунларга етиб келолмаганлар хотираси олдида бош эгади. Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

*Shu aziz Vatan — barchamizniki*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-yil • 10-may • Seshanba • 58 (27.393) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ – МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда 9 майнинг Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши инсон хотираси ва қадрига нисбатан юксак эътиборнинг ёрқин намойишидир.

Хотира ва Қадрлаш куни бу гал Сиҳат-саломатлик йилида нишонланаётгани, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллигига тўғри келганлиги унинг аҳамиятини янада оширади.

Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тунни тонгга улаб меҳнат қилган, ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз матонати ва фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига эҳтиром сифатида чоп этилган, этилаётган китоблар, мамлакатимизнинг турли жойларида ўрнатилган ва ўрнатилаётган ёдгорликлар ҳам бу фикрларни тасдиқлайди. Президентимиз Фармонига кўра Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларининг мукофотланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намойишидир.

Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Зеро, азалий тушунчаларда дарж этилганидек, тарихдан сабоқ чиқариб яшаш, дориламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шод этиб, юрт аҳлининг қадрига етиб, дуосини олган авлод ҳеч кимдан кам бўлмайди.

9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрдилар.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимиз номлари абадиятга муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари Ватаннинг фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро она қиёфасида изтироб ва аламли, айни пайтда улуғвор умид намоён...



Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Мана шундай улуғ кунда халқимиз ўзининг инсоний бурчини адо этиб, жангу жадалларда ҳалок бўлганлар, шу ёруғ, дориламон кунларга етиб келолмаганлар хотираси олдида бош эгади, — деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида тўхталар экан, қуйидагиларни баён этди:

— Бугун Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллик байрами куни, — деди Президент. — Бу ғалаба жаҳон тарихида, ҳеч шубҳасиз, абадий сақланиб қоладиган улуғ бир сана.

Фашизм балосини даф этиш, жаҳон аҳли орзиқиб кутган ғалабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида 1,5 миллион нафар ватандошимиз иштирок этган. Уруш майдонларида ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун, мусаффо осмонимиз учун жон берган, қурбон бўлган 450 мингдан зиёд ватандошимиз шулар жумласидандир. Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, фараз қилиш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли ҳол.

Бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида абадул-абад сақланиб қолади.

Бундай буюк воқеани бутун жаҳон жамоатчилиги катта ҳурмат билан эсламоқда. Лекин бу санани нишонлашдан мақсад, аввало ғалабанинг моҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк неъмат эканини яна бир бор чуқур англаш, одамзодни турли хавф-хатарлардан огоҳ этишдан иборат бўлмоғи лозим. Қолаверса, кишилик тарихида урушнинг бошқа қайтарилмаслиги, бундай даҳшатларни одамзоднинг ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлашга даъват этадиган тадбир сифатида қабул қилишимиз керак, деб ўйлайман, деди Юртбошимиз.

Бу санага муносабатда аввалambор одам зотининг тақдири ва қисмати, фашизм устидан қозонилган ғалабага ҳисса қўшган инсонларни улуғлаш, уларнинг номини абадийлаштириш, бирон одамни ҳам эътибордан қолдирмаслик диққат марказимизда туриши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт. Айнан мана шундай эзгу мақсадларни инобатга олиб, халқимиз, жамоатчилигимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, биз 1999 йилдан бошлаб 9 майни юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонлаб келмоқдамиз. Бугунги кунда бу қароримиз қанчалик ўринли ва тўғри бўлгани, у нақадар чуқур маъно ва мазмун касб этиб бораётганини ҳис этиш қийин эмас.

Хотира ва Қадрлаш деганда, биз аввало бу икки тушунчанинг узвий боғлиқ эканини, бугун биз кечираётган эркин ва ёруғ ҳаётни асраб қолиб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойи инсонларни эслаш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, хаёлимизда, фикру ёдимизда мангу сақлашни тушунамиз. Шу билан бирга, биз хотира ва қадрлаш деганда, бугун орамизда яшаб келаётган инсонларни қадрлаш, асраб-авайлаш, ҳаётини, оғирини енгил қилиш, қўлимиздан келадиган барча ёрдамимизни улардан аямаслик, уларнинг олдидаги муқаддас бурчимизни адо этишни назарда тутамиз.

**(Давоми 2-бетда)**

**Мустақиллик иншоотлари**

## ЯНГИ АСР ҚУРИЛИШИ

**Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўлининг иккинчи босқичи — 59,1 километр узунликдаги Қумқўрғон-Бойсун йўли ишга туширилди**




Ҳар бир юртнинг ривожланиши учун темир йўллар муҳим аҳамият касб этади. Бежизга уни иқтисодиётнинг қон томири дейишмаган. Пўлат излар ётқизилган ҳудуд борки, у ерда янгиланиш, яшариш бошланган. Чўллар сўлим боғ-роғларга айланиб, азим тоғлар бағрида улкан иншоотлар қад ростлаган. Янги иш ўринлари яратилган. Шу нуқтаи-назардан Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлини ҳам янги аср қурилиши, десак муболаға бўлмас.

Иншоот қурилишига 1995 йилда шахсан Юртбошимизнинг ўзлари асос солганди. Ўтган йиллар давомида бу ерда минглаб ватандошларимиз фидокорона меҳнат қилишди.

Мазкур темир йўл қурилиши тўла ишга тушгач, Қаршидан Қумқўрғонгача бўлган масофанинг қисқариши ҳисобига иқтисодиётимизда самарадорлик ортиб, қўшни ҳудудларга тўланадиган маблағ тежалади. Юк ва йўловчи ташиш жараёнларида ортиқча сарф-харажатга ўрин қолмайди. Аниқроқ айтганда, у мамлакатимизга ҳар йили 60-65 миллион АҚШ доллари миқдорида иқтисодий самара беради. Поездлар ҳаракати эса 184 километрга қисқаради. Йўналишларнинг умумий узунлиги 223 километр бўлиб, 6 та темир йўл бекати, 10 та разъезд, 44 та кўприк ва яна 507 та ҳар хил зарур иншоотлар ишга тушади.

Ўтган йилнинг августигача бўлган даврда бу йўналишда қарийб 57 километр узунликда темир излар ётқизилди, 2 та станция, 3 та разъезд, 12 та кўприк, 85 та иншоотлар бунёд этилди.

2004 йилнинг октябрь ойи бошларида мамлакатимиз раҳбари Тошгузар-Деҳқонобод бекатлари оралиғидаги масофани кўздан кечириб, барпо этилган барча объектлар ҳамда қилиниши лозим ишлар хусусида маслаҳатлар берганди. Шундан сўнг 2-босқич — Қумқўрғон — Бойсун темир йўл қурилишида ҳам ишлар жадал тус олди: бугунгача 5,5 миллион куб метр тупроқ ишлари, 2 миллион куб метр тоғ қояларини портлатиш юмушлари бажарилди. Шундан сўнг пўлат излар ётқизилди. Пулҳаким, Тангимуш ва Оқжар разъездлари, иккита кўприк ҳамда 159 та иншоотлар битказилди. Қумқўрғон ва Бойсун вокзаллари янгича чирой очди.

Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ана шу улкан иншоотнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

...Қумқўрғон вокзали. Эрталабданоқ меҳмонлар билан гавжум. Замонавий бино атрофига дарахтлар экилган. Йўловчилар учун қулай шароитлар яратилган...

— 78 ёшдаман, — дейди **қумқўрғонлик Худойберган Шойманов.** — Узоқ йиллар халқ таълими соҳасида меҳнат қилдим. Яқин-яқингача вокзалимиз эски, атрофлари сув кўллаб ётган кўримсиз жой эди. Бугун эса қаранг, ёшу қари, барча-барча хурсанд. Бундай шукуҳли, қувончли дамларни унутиб бўладими? Энди бу ерларда нафақат иқтисод, маърифат, маънавият ҳам юксалади, ўзгаришлар, янгиланишлар бўлади...

3-бет

## МДҲНИНГ МОСКВА САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7-8 май кунлари Россия Федерациясида бўлиб, МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг норасмий саммитида ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида МДҲ ҳақида сўз юритар экан, ҳозирги кунда у кўп эътирозларга учраётганига алоҳида эътибор қаратди.

Ҳолбуки, МДҲнинг имкониятлари жуда катта эди ва холисона айтганда, ҳозир ҳам оз эмас. Зотан, уни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни сақлаб қолишдан иборат эди. Аммо МДҲнинг саммитларида, Ўзбекистон Президенти кўп бор таъкидлаганидек, иқтисодиёт эмас, сиёсат кўпроқ устувор бўлиб келди. Шу боис ҳам қабул қилинган қарорларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетаверди. Чунки улар аъзо давлатларнинг манфаатларига бирдек мос бўлмагани, иқтисодий фойда бермагани сабабли амалиётга татбиқ этилмади. Дейлик, Эркин савдо зонаси барпо этиш масаласи бир неча йилдан буён муҳокама этилади, лекин Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар халқлари ҳали-ҳануз унинг амалий натижасини кўргани йўқ.

МДҲ раҳбарларининг бу галги учрашувида, асосан, ташкилотни ана шу мураккаб вазиятдан чиқариш масаласи юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистон раҳбари тузилмага сиёсий тус беришга уриниш, обрў орттириш учун баландпарвоз ташаббусларни илгари суриш, натижа бермайдиган таклифлар билан ўзини кўрсатишдан фойда йўқлигини таъкидлади. Буни вақт ҳам кўрсатяпти. Шунинг учун ҳам МДҲ фаолиятини ислоҳ қилишни давом эттириш, такомиллаштириш, аъзо давлатлар ўртасида том маънодаги кенг кўламли ҳамкорликни қарор топтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Президентлар Ҳамдўстлик мамлакатларида юз бераётган жараёнларни, қатор халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар.

Саммитда гуманитар ҳамкорлик тўғрисида декларация қабул қилинди.

Москвадаги Большой театрда саммит қатнашчилари — президентларнинг МДҲ мамлакатларидан келган Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари билан учрашуви бўлди. Катта концерт намойиш этилди. Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага 60 йил тўлди. Бу уруш инсоният учун жуда қимматга тушгани барчага яхши маълум. Собиқ шўро иттифоқи республикаларидан 27 миллиондан зиёд инсон унинг қурбони бўлган. Тинчлик, озодлик ва тараққиёт учун тўкилган қон ва берилган жонларнинг қадрини бугун ҳамма теран ҳис қилади.

Ўтганлар ёди — азиз. Ўзбекистон раҳбари жанггоҳларда қурбон бўлганлар хотирасини ёд этиш ҳамда омон қайтган, фронт ортида меҳнат қилган инсонларни қадрлаш, бугунги тинч замонда уларнинг ҳурматини жойига қўйиш зарур эканлигини назарда тутиб, 9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилганини таъкидлаш ўринлидир.

Президент Ислом Каримов мазкур сана ҳақида сўзлар экан, уни нишонлашда барча сиёсий масалаларни четга суриб қўйиш кераклигини алоҳида таъкидлади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент — Москва — Тошкент.*







노무현 대통령 내외분의 우즈베키스탄
국빈 방문을 진심으로 환영합니다

Koreya Respublikasi Prezidenti No Mu Xyonning O`zbekistonga tashrifini qutlaymiz!

KIA MOTORS
The Power to Surprise

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk.com
Хизматлар лицензияланган

# АЖДОДЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ, ХОТИРАСИ ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ



# ХОТИРЛАШ ВА ҚАДРЛАШ — МУҚАДДАС БУРЧИМИЗДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хотирасиз келажак йўқ. Агар миллат ўзининг порлоқ келажагини кўрмоқчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлмоғи лозим. Чунки халқ, миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи даркор.

Ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим. Бундай қараш эл-юртимизнинг қон-қонига, суяк-суягига сингиб бориши керак. Мана шундай ҳаётий қараш ва ёндашув, айниқса ҳаётга энди мустақил қадам қўяётган ёшларимиз ҳаётининг узвий қисми бўлиши, барчамиз учун муқаддас қадриятга айланишини истардим, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Юртимизни, фарзандларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етишимиз, уларни янада мустаҳкамлашимиз керак. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини англаб боргани сари уларнинг онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз?», деган таҳлилий ёндашув чуқурлашиб бормоғи зарур.

Ёшларимиз, заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаро қалбида шу юрт, шу халқ билан фахрланиш, унинг келажаги, фаровонлиги йўлида қайғуриш ҳислари чуқур илдиз отмоғи лозим. Фарзандларимиз биздан кўра билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари керак. Улар бугун шиддат билан ривожланиб бораётган ахборот технологиялари имкониятларидан бемалол фойдалана оладиган, ғурури баланд, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлод бўлиб етишишлари зарур.

Ёшларимизни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга уларга замонавий тараққиёт эришаётган ютуқлардан ҳам баҳраманд бўлишларида кўмаклашмоғимиз лозим, деб таъкидлади Юртбошимиз. Айни чоқда, фарзандларимиз халқимизнинг бой тарихини, миллий урф-одатларини, бугун эришаётган ютуқларимизни, шунингдек, адабиёт ва санъатимизни, фан ва маданиятимизни жаҳон узра кенг тарғиб этишда ҳам фаол бўлмоқлари даркор. Бунда замонавий ахборот технологиялари, хусусан, Интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим. Зеро, ҳар қандай миллатнинг, халқнинг фарзанди шу миллат ва шу халқни улуғлаши, шу йўлда фидойи бўлмоғи керак.

Кексаларга ҳурмат, меҳр-мурувват кўрсатиш хусусида гапирар экан, Юртбошимиз қуйидагиларни таъкидлади. Қадрлаш, ёрдам-кўмак ҳақида сўз борар экан, бир рақамни келтиришни ўринли, деб биламан. Давлатимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига фақат ёрдам тариқасида, яъни пенсия ва нафақалардан ташқари ҳар йили тахминан 20 миллиард сўм миқдорида ижтимоий ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай ёрдам аввало бепул медицина хизмати, санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳозлари, ногиронлар аравачалари ва бошқа тегишли воситалар билан таъминлашга, жамоат транспортида бепул юриш, коммунал хизматлар бўйича компенсациялар беришга қаратилган.

Минг афсуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Халқимизда «инсон ғанимат» деган ҳикматли бир гап бор. Дарҳақиқат, биз учун барча ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ғанимат. Уларнинг умрини узайтириш, ҳар томонлама мазмунли ҳаёт кечириши учун ҳисса қўшиш, бундай эзгу ишларни амалга ошириш, айниқса, «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинган жорий йилда барчамизнинг бурчимизга айланишини истардим, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бу муқаддас майдон, наинки Хотира ва Қадрлаш куни, балки йил бўйи зиёратчилар билан гавжум бўлади. Бинобарин, кишилар бу ерга шунчаки томоша ёхуд сайр учун келмайдилар, ўтганларни ёд этадилар. Бу туйғу бугунги тинч ва осойишта ҳаётни қадрлашга даъват этади. Ушбу майдонга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаррук юрт барчамизники, уни ҳар қандай бало-қазолардан сақламоқ, кўз қорачиғидек асраб-авайламоқ ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, деган эзгу туйғу жўш уради.



Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва Қадрлаш куни, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

✧✧✧

Президент Ислом Каримов шу куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудларда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, барпо этилган янги кўчалар, хиёбонлар билан танишди.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

✧✧✧

**Шавкат АКРАМОВ**
**олган суратлар**

# ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ

Ўтганларни ёдга олиш, уларнинг хотирасига эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос бўлган энг яхши анъаналардан. Юртбошимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни деб аталаши ҳам бежиз эмас, албатта. Бу кунда Иккинчи жаҳон уруши жанг майдонларида шаҳид кетганлар, юртимизнинг гуллаб-яшнашига ўзининг ҳиссасини қўшган инсонлар хотираси ёдга олинади, ҳаёт бўлган уруш қатнашчилари, уларга тенглаштирилганлар чуқур иззат-икромда бўладилар.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбирлари Ўзбекистон ХДПнинг жойлардаги ташкилотлари томонидан ҳам кенг миқёсда ўтказилди.

Куни кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бир гуруҳ фаоллари Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Марказий музейига ташриф буюрдилар. Партия фаоллари Ватан ҳимоячиси ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Ўзбекистон ХДП раиси Аслиддин Рустамов музейга ташриф буюрувчилар китобига эсдалик дастхати ёзиб қолдирди.

Яқинда **Бектемир туман кенгаши** томонидан ўтказилган Хотира ва Қадрлаш кечаси ҳам ана шу мақсадга қаратилди. Кечага Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари таклиф этилди. Бектемир туманидаги сўлим «Байрам» кошонасида бир пиёла чой устида уларнинг самимий суҳбати ташкил этилди. Иштирокчилар юртга қайтиш насиб этмаган қуролдошларини эсга олдилар, тадбирда йиғилганларга жангдаги хотираларидан гапириб бердилар. ЎзХДП Бектемир туман кенгаши ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари томонидан собиқ жангчиларга совғалар топширилди, уларнинг шаънига илиқ сўзлар айтилди. Кечага бир гуруҳ санъаткорлар ташриф буюриб, иштирокчиларни хушнуд этдилар.

**Хонқа туман кенгаши** томонидан туман марказий кутубхонасида «Жасорат ва меҳнат улуғлаган инсонлар» мавзуида учрашув ўтказилди. Унда иштирок этган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Б.Қулжонов, меҳнат фахрийси Д.Саидова ва бошқалар тадбир қатнашчиларига Ватанни севиш, мустақилликнинг қадр-қиммати ҳақида ўзларининг ҳаёти мисолида гапириб бердилар. Фахрийларга ЎзХДП туман кенгаши ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Хонқа тумани**да Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги» юбелей медали ва пул мукофотини топшириш маросими тантанали равишда ўтди. Тадбирни ташкил этишда ЎзХДП Хонқа туман кенгаши ҳам фаол иштирок этди. Туман ҳокими, Ўзбекистон ХДП аъзоси Ш.Болтаев уларга Республикамиз Президенти номидан пул мукофотини топширди. Бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийларига туман партия кенгаши томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Урганч шаҳри**даги «Қоровул» қишлоғи «Ғалаба» боғида ЎзХДП Урганч туман кенгаши ҳамда қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан «Обод ва озод Ватан» мавзуида тадбир ўтказилди. Тадбирда уруш фахрийлари, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган отахон ва онахонлар иштирок этдилар. Улар қишлоқ тадбиркорларининг кўргазмаси билан танишдилар, санъаткорлар ва мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган бадиий чиқишлар дилларни хушнуд этди.

**Самарқанд вилоят кенгаши** Самарқанд туманида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб футбол спартакиадасини ташкил этди.

Партия кенгаши Пайариқ туманидаги «Фаровон» маҳалласида уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларининг маҳалла аҳолиси билан учрашувини ўтказди. Фахрийлар бугунги тинч-тотув ҳаётнинг қадри ва совуқ уруш қолдирган аянчли оқибатлар ҳақида йиғилганларга гапириб бердилар.

**Янгиариқ туман кенгаши**, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Бобур номли мактабда Хотира ва Қадрлаш байрам тадбири ўтказилди.

**Қўқон шаҳар кенгаши** «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими билан ҳамкорликда Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан байрам тадбирини ташкил қилди. Унга 30 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари таклиф этилиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. ЎзХДПдан шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар ғалабанинг 60 йиллиги билан уларни самимий табрикладилар, барча фахрийларга эсдалик совғалари улашилди.

**Фарғона вилоят кенгаши** ташаббуси билан вилоят ўлкашунослик музейида мактаб ўқувчилари, малака ошириш институти тингловчилари иштирокида «Биз сизларни унутмаймиз» мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Унга таклиф этилган уруш фахрийлари ҳаёт йўллари, уруш хотиралари ҳақида гапириб бердилар ва ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар. Тадбирда сўзга чиққан ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси М.Исоқов, вилоят ҳокимлиги котибияти бошлиғи А.Отажонов ва бошқалар юртимизда уруш фахрийларига кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром ҳақида тўхталиб ўтдилар. Кеча сўнгида фахрийларга эсдалик совғалари топширилди, бир пиёла чой устида концерт дастури намойиш этилди.

**Ўзбекистон ХДП МК**
**матбуот хизмати**

*Раҳматли Фармон ака ўзининг фидойи меҳнати, моҳир ташкилотчилик қобилияти, билим ва тажрибаси, ёшларга ғамхўрлиги билан нафақат Қашқадарё аҳлининг, балки бутун эл-юртимизнинг ҳурмат-эътиборини қозонган эди.*

**Ислом КАРИМОВ**

**Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб ўзликни англаш мумкин эмас. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу сўзлари ҳар биримизда ўтмишга ҳурмат, буюк келажакка ишонч туйғуларини уйғотади.**

**Юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни ўтказилаётган шу лаҳзаларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафларида бўлган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган партиямиз фаоллари хотираларини ёдга олиш ўринлидир. Улар Маҳмуд Мирзаев, Ғайрат Машарипов, Дўстмурод Қулматов, Машариф Қувоқов, Жўрақул Исроилов, Фармон Омонов... Бу инсонларнинг номи қалбимизда ҳар доим сақланади. Уларнинг эзгуликка бахшида умрлари ҳамиша ёш авлодга ўрнак бўлиб хизмат қилади.**

# ОДАМИЙЛИК ФАЛСАФАСИ



Тўқсонинчи йилнинг майи, оғир хасталикдан сўнг отам оламдан ўтди. У киши бир умр деҳқончилик билан шуғулланган, ўзини аямас, бир неча бор жарроҳлик амалини бошидан кечирган, шунинг учун ҳам бу дунёдан барвақт кетганди. Акам, сингилларим билан унинг азоб-уқубатда ўтган умри учун куярдик. Ҳаёт экан, мусибатни инсон ўзи ёлғиз кўтаролмайди. Оғир кунда ҳамқишлоқларимиз, дўстларимиз ёнимизда туришди. Ўшанда Шаҳрисабз тумани раҳбари бўлиб ишлаётган Фармон Омонов ҳам таъзия билдирар экан, сабр-бардош тилади. Кўнглимизни кўтариб, ҳаёт абадияти, фарзандлар бурчи ҳақида ибратли гапларни айтди. Кейин билдимки, оқсоқол ҳамиша одамларга ҳамдард бўлар, қалбдан қайғурар, яшашдан мақсад, тириклик талабларини ётиғи билан айтар эканлар.

Яна бир воқеа эсимда. Мустақиллик байрамининг беш йиллигини нишонлаш учун пойтахтга отланган қашқадарёликларни Ҳамза тумани мутасаддилари кутиб олишди. Дастурхон ёзилиб, ўйин-кулги бошланди. Руҳимиз ниҳоятда баланд, озодлик ато этган кунни нишонлаш тантаналарида иштирок этиш учун келгандик-да! Бир пайт десангиз, Фармон Омонов даврага тушиб қулочларини ёйди. У киши улуғларга хос сиполик билан, айни чоғда шунчалар келиштириб рақс тушар эдики, завқланмасликнинг иложи йўқ эди. Вақт топиб, ҳайратимни айтдим ҳам. «Бу ҳам — кўнгил иши», деб қўя қолдилар кулимсираб. Билдим, бу қувонч, бу завқ самимий ифтихор белгиси экан. Мана, улуғ инсоннинг ибрати!

— Фармон Омоновдан кўп нарсани ўрганиш керак, — деганди дўстларимдан бири Шониёз Бобоowражабов. — Шаҳрисабзда раҳбар эканларида мен паррандачилик хўжалиги раиси эдим. Ногоҳ менга туҳмат уюштиришди. Бундан хабар топган устоз мени туман кенгаши депутатлигидан чиқаришга йўл қўймади, ҳақиқатни қатъий ҳимоя қилди. У кишини устоз атайдиган, бир умр миннатдор бўладиган биргина мен эмас. Қани энди, бу инсоннинг ибратли ҳаёти ҳақида юракдан чиқариб ёзсангиз...

Очиғи, бу ният менга кўпдан тинчлик бермасди. Ахир, йигирма йил давомида кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлгандим-да. 2002 йилнинг май ойи охирларида қулай пайт келди. Фармон ака, қатъий турганимдан сўнг рози бўлди, анча суҳбатлашдик. Илк бор у кишининг ҳаётлари ҳақида тасаввурга эга бўлдим. 1938 йилда Қарши туманида туғилган экан. Оталари хўжаликка раҳбарлик қилган. Фармон ака 1960 йилда ҳозирги Тошкент давлат аграр университетини битириб, машҳур Чўли ота Бегимқулов раҳбарлик қилган хўжаликда бош агроном бўлиб ишлаган. Кейин аспирантурада таҳсил олиб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди илмий даражасини қўлга киритади. Шундан сўнг масъулиятли ишлар даври бошланади. Қашқадарё вилояти миқёсидаги турли раҳбарлик лавозимлари, Қарши, Касби, Шаҳрисабз туманлари раҳбари...

Гапнинг сираси, ўша оғир мустабид тузум йилларида ҳам шу тупроқни яшнатган, элга ҳамдард етакчи бўлган. Фармон Омонов билағон мутахассис, катта ташкилотчи эди. У қатор йиллар давомида республика вазирлик ва идораларида фаолият кўрсатиб, ўзининг фидойилиги, одамларга меҳрибонлиги билан ҳурмат қозонди.

Истиқлол кимнинг ким эканлигини танитди. Фармон Омонов бутун иқтидори, куч-ғайратини юртимизда кечаётган бемисл ислоҳотларнинг рўёбга чиқишига сарфлади. Мамлакатимизда нуфузли сиёсий куч — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ташкил топиши, тараққиётига муносиб ҳисса қўшди. Партия тузилган кундан то умрининг охиригача ХДП Қашқадарё вилоят кенгашига раҳбарлик қилди. Партиянинг ишончли номзоди сифатида республика Олий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис депутатлигига сайланди. Мамлакат ҳаётида муҳим аҳамиятга молик қонунларни тайёрлаш, қабул қилиш, миллий парламентимиз шаклланишида ўз ҳиссасини қўшди.

Фармон Омонов республикада чин обрў қозонган эл оқсоқоли эди. У воҳа ҳаётига оид ўринли фикрларни кўп бор билдирганига гувоҳман. Ҳамиша қайноқ ҳаёт бағрида яшар, ғайрати танига сиғмай юрарди. Газета ва журналларни кўп ўқир, давр билан баравар қадам ташлашга интилар, баъзан қизариб ёшланган кўзларини бир нуқтага тикиб, ўйлаб кетарди. Ажойиб нотиқ эди. Йиғилишларда одамларни зериктирмас, ҳар қандай мураккаб масаланинг моҳиятини икки оғиз гап билан очиб берар, бир чимдим кулгини ҳам унутмасди.

«Юртбошимиз шу юрт тақдири, халқимиз келажаги учун бутун куч-ғайратларини аямаяптилар, — деган эди Фармон Омонов икки йил олдин миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилишда гапирар экан. — Фидойиликни у кишидан ўрганайлик. Юртни севайлик деган чақириқнинг ўзи кифоя эмас. Фарзандларимизга шундай тарбия берайликки, уларни ҳеч қачон ғаламис кимсалар чалғитмасин. Ватан шаъни, шу халққа дахлдорлик уларнинг ифтихорига айлансин...»

— Ҳа, Фармон Омонов халқимизнинг асл фарзанди, етук сиёсатчи, чинакам эл фидойиси эди, — дейди унинг шогирди, ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши раиси Олимжон Равшанов. — Бугун у кишининг ҳаётлари биз учун ибрат. Фармон Омонов хотира турнирлари, кечалар ўтказилмоқда. Демак, устознинг номи ҳам, иши ҳам яшайверади.

Мана, икки йилдирки, устоз орамизда йўқ. Ота изидан бораётган муносиб фарзандлар, ундан-да юксакларда парвоз қилаётган шогирдлар унинг ишларини давом эттирмоқда. Демак эзгуликнинг умри боқий, яхшининг чироғи ўчмайди, деганлари шу бўлса керак.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

# ЎША КУНЛАР ЁДИ

Кеча самарқандлик уруш ва меҳнат фахрийлари вилоят марказидаги «Хотира майдони»га тўпланишди. Йиғилганларни Самарқанд шаҳар ҳокими Суҳроб Рафиқов байрам билан қутлаб, қисқача маъруза қилди. Сўзга чиққан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ғайбулло Диёров ҳам халқимиз вакилларининг уруш жангоҳларида тортган азоб-уқубатлари ва қуролдош дўстлари хотиралари ҳақида сўзлаб берди. Миллий армиямизнинг бўлажак зобити — Самарқанд олий ҳарбий муҳандислик билим юрти талабаси Дилшод Муҳаммаджонов ўз тенгдошлари номидан барча уруш ва меҳнат фахрийларини табриклади.

Тадбир сўнггида унинг иштирокчилари майдон саҳнида қад ростлаган Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди.

Тантаналарда вилоят ҳокими Мамаризо Нурмуродов иштирок этди.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

✧✧✧

Хотира ва Қадрлаш куни наманганликларнинг ҳам қалб эҳтиёжига ҳамоҳанг муборак сана сифатида нишонланди. Эрта тонгда вилоят ҳокими Икромхон Нажмиддинов Иккинчи жаҳон урушида матонат кўрсатган бир гуруҳ табаррук отахону онахонлар ҳузурида бўлиб, уларни байрам билан табриклади. Шундан сўнг вилоят мутасаддилари фахрийлар билан биргаликда Хотира мажмуидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйдилар.

Байрам муносабати билан майдонга ёшлар, корхона ва ташкилотлар мутасаддилари ҳамда жамоатчилик вакиллари йиғилди.

Тантана иштирокчилари урушда ҳалок бўлган мард ватандошларимиз хотираси, уларнинг фидокорона хизматларини ёдга олишди. Шундан сўнг кекса авлод вакиллари мажмуага туташ «Кавсар» чойхонасида байрам дастурхонига таклиф этилдилар.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

# СУЛОЛАНИНГ БОҚИЙ УМРИ

## ёки ўзбекона меҳр ва бағрикенгликка ўрнатилган ҳайкал ҳақида



Болажон ўзбек халқида кўпфарзандлилик миллатимизга хос фазилатлардан ҳисобланади. Фарзанд — умрнинг мазмуни, оила қувончи, авлодлар давомчиси. Қолаверса, халқимиз азал-азалдан ўз фарзандига қандай меҳр кўрсатган бўлса, ўзганинг боласига ҳам шундай оқибатли бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида шафқатли элимиз гарчи юпун яшаётган бўлса-да, жанг кетаётган ўлкалардан келтирилган минглаб етим болаларни ўз оиласи бағрига қабул қилганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега айнан тошкентлик Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи шарафига ҳайкал қўйилган? Нега бу ёдгорлик Тошкентнинг шоҳкўчалари кесишган Халқлар дўстлиги майдонига ўрнатилган? Чунки, бу оддий оила эмас, чинакам ўзбек оиласи эди. Урушнинг суронли йилларида етим қолган ўн тўрт нафар болани ўз қарамоғига олган ҳақиқий меҳр-мурувват манзили. Турли юртларда туғилган, турли миллатларга мансуб бўлган ва ҳақиқий ота-она меҳрини Ўзбекистонда топган фарзандлар оиласи!

— Мен қаерда ва қачон туғилганимни, қайси миллатга мансублигимни билмайман, — деган эди шу оила фарзандларидан бири Федор Кульчиковский. — Бироқ шуни тўла асос билан айта оламанки, мен ўзбек боласиман, Ўзбекистон фарзандиман!

Ҳа, инсон бойлик ва ҳукмронлик васвасасида мудҳиш хатоларга йўл қўяди. Энг аянчлиси, бу хато нафақат унинг, балки миллионлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлади. Иккинчи жаҳон уруши туфайли қанчалар аёллар бева, фарзандлар етим қолди. Бегуноҳ ва беғубор гўдакларнинг болалиги зулмат ичра кечди. Уруш офати шунчаки даф бўлмади. У ўз ортидан очарчилик, қаҳатчилик ва азоб-уқубатлар келтирди.

Ана шундай оғир шароитда ҳам ўзбек халқи бағрикенглигича қолди. Урушдан ногирон бўлиб қайтган каттақўрғонлик Ҳамид Самадов оч-наҳор қолган ўн уч болани омон сақлаб қолди. Тошкентлик Баҳрихон Аширхўжаева ҳам шунча етимнинг бошини силади. Самарқандлик Фотима Қосимова ўн болани ўз бағрига олди. Бу каби мисолларни яна юзлаб келтириш мумкин.

1982 йил 26 май куни пойтахтимизнинг қоқ марказига ёдгорлик ўрнатилди. Ҳайкалтарош Д.Рябичев, муҳандислар Л.Адамов ва С.Одиловлар ушбу мажмуага ўн тўрт болани тарбиялаб вояга етказган темирчилар сулоласи вакили Шоаҳмад Шомаҳмудов ва Баҳрихон Акрамоваларнинг оиласини тимсол қилиб олади.

Айтиш мумкин бўлса, бу фақатгина шу оиланинг ҳайкали эмас. Бу — уруш йилларида етим-есирларни ўз бағрига олган барча ўзбек оилаларининг ҳайкали. Кечаю кундуз меҳнат қилиб топган бир бурда нонини ярадор аскарларга берган одамларнинг ҳайкали. Бир сўз билан айтганда, у ўзбекона меҳр ва бағрикенгликка ўрнатилган ҳайкалдир.

Шу ўринда яна бир гап бу оиланинг фидойилиги, инсонийлиги, меҳру муҳаббати ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчиси марҳум Раҳмат Файзий «Ҳазрати инсон» романини ёзган эди.

Бугун Тошкентга йўли тушган одам борки, бу жойни зиёрат қилмасдан ўтмайди. Заҳматкаш ва жафокаш бу инсонлар сиймосига боқиб, урушнинг совуқ нафаси кезган йиллар кўз олдимиздан ўтади. Бахтиёр бугунги осойишта ҳаётимизга шукроналар айтгимиз келади.

**Анвар САМАДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

Мустақиллик иншоотлари

# ЯНГИ АСР ҚУРИЛИШИ





(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунгача иншоотнинг барча объектлари бўйлаб 62,2 миллиард сўмлик иш бажарилди. Шундан 51,3 миллиард сўмидан ортиқроғи буюртмачи — «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг ўз маблағи бўлди. Шунингдек, бунёдкорлик ишларида Қўнғирот, Тошкент, Қарши, Қўқон, Бухоро минтақавий темир йўл узели ишчи-хизматчилари, «Кўприкқурилиш» тресті, «СМП-406», «СМП-503», «Ўзбекгазсувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти ва бошқа ўнлаб қурилиш-монтаж ташкилотларининг улкан ҳиссалари бор.

...Ҳаяжонли дамлар, қувончли лаҳзалар... Меҳмонлар-у мезбонлар поезднинг «Шарқ», «Регистон» вагонларидан жой эгаллашди. Улар Қумқўрғон вокзалидан Бойсун сари жўнашди. Аста-секин текислик ўрнини қир-адирлар эгаллади, кетидан пурвиқор тоғлар... Уларнинг бағрини кесиб ўтган пўлат излар...

— Гул-гул эмас, инсон қўли гул, болам — дейди **Бўта Жабборов,** — Жарқўрғонда яшайман. Ёшим — 82 да. 7 нафар фарзандим бор. Невара, чеваралар бисёр. Янги қурилишнинг Қумқўрғон бекатини кўриб, лол қолдим. Энди Бойсунни кўрмоқчиман...

...Яйловларда чўпон-чўлиқлар, далаларда ёшу қарилар поездагиларга шодон қўл силтаб қолишаяпти. Улар бу ҳудудлар бағрида дастлабки поездни қарши олишаяпти... Насиб этса, энди улар яшаётган бу жойлар ҳам обод бўлади, янги-янги маҳаллалар, қишлоқлар қад ростлайди. Юзлаб-минглаб оилаларга қулай шароитлар яратилади.

— Бугун мен учун алоҳида қувончли кун — дейди **Тоҳир Мирзаев**. — Ҳамкасбларим билан илк ишчи поездини Қумқўрғондан Бойсунгача бошқариб келиш бахтига муяссар бўлдим. Бундай тарихий воқеага ҳисса қўшиш, гувоҳ бўлиш, ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Поезд Тангимуш разъездида тўхтаганда, йўловчилар бу ердаги қадамжони зиёрат қилишди ва яна йўлга тушдилар.

...Мана, ниҳоят Бойсун... Катта тантана. Уни **Сурхондарё вилояти ҳокими Абдулҳаким Эшмуратов** очди ва сўзни **Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев**га берди. У йиғилганларни қутлаб, Юртбошимиз томонидан бошланган яна бир хайрли иш бугун ўз якунини топганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири **Абдулла Орипов,** «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси бошқаруви раиси **Очилбой Раматов** ва бошқалар сўзга чиқиб, мазкур темир йўлнинг тарихий аҳамияти, мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва бу борадаги истиқбол режалари ҳақида гапирдилар.

Мухтасар айтганда, Қумқўрғон — Бойсун темир йўл қурилишининг иккинчи босқичи ҳам ниҳоясига етди. Навбат сўнгги — Бойсун — Деҳқонобод йўналишига... Насиб этса, Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўл қурилиши вақтида иш бошлайди. Зеро, хайрли юмушларга Яратган ҳам доим мадад беради, дейишади. Йўл, кўприк қурганлар эса азал-азалдан одамлар олқишига сазовор бўлишган. Юртбошимиз асос солган мазкур иншоот бунёдкорлари ҳам айнан шундай олқишлару эҳтиромга сазовор инсонлардир.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧

***Суратларда:*** *Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темирйўлининг иккинчи босқичи – 59 километрлик Қумқўрғон – Бойсун йўли ишга туширилишидан лавҳалар.*

**Муҳаммад АМИН,**
**Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**



Шарҳ:

## Буюк Британияда парламент сайлови якунлари:

# ИШОНЧ КАФОЛАТИ

XORIJDA

Хабарингиз бор, яқинда Буюк Британияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайловда асосан учта етакчи партия қатнашди. Булар лейбористлар, консерваторлар ва либерал-демократлар партияларидир. Бошқа кичик партияларнинг номзодлари ҳамда мустақил номзодлар сайлов натижаларига таъсир кўрсата олмадилар.

Сайловда Тони Блэрнинг лейбористлар партияси ғалаба қилди. Бу лейбористларнинг қаторасига учинчи марта ғолибликни қўлга киритиб, ҳукумат тузиш имкониятига эга бўлишидир. Шундай қилиб, Буюк Британия қироличаси Елизавета II Тони Блэрга учинчи марта ҳукумат тузишни топширди.

Букингем саройидан ваколат олиб чиққан Тони Блэр Даунинг-стритдаги ўз қароргоҳи олдида баёнот бериб, шундай деди: «Менга янги ҳукуматни шакллантириш борасида қандай юксак шараф ва имтиёз юклангандигини англаб турибман». Шу билан бирга, у лейбористлар партияси бундан олдинги сайловдагига қараганда парламентда камроқ ўринга эга бўлганлигини ҳам тан олди.

Кузатувчилар сайлов арафасида лейбористлар ғалаба қилишлари мумкинлигини тахмин этишган бўлишса-да, бу ғалаба осонликча қўлга киритилмаслигига алоҳида урғу беришган эди. Чунки, мамлакатда аҳолининг асосий қисми Буюк Британиянинг Ироқдаги урушда иштирок этишини хоҳламади. Шунингдек, солиқлар ошганлиги, жиноятчилик кўпайганлиги, тиббий хизматдаги камчиликлар, иммиграция жараёнининг ўсганлиги ва бу борадаги назоратсизлик каби ҳолатлар ўтган йилларда лейбористлар ҳукуматида муаммоларни юзага келтирган эди. Сайловда ғолиб чиқиш учун булар тўсиқ бўлолмади.

Консерваторлар партияси мағлубиятга учраган бўлса-да, асосий мухолифатчи партия сифатида ўз мақомини сақлаб қолди. Бу партия парламентдан 2001 йилдаги сайловдагига қараганда кўп овоз олди. Иягари анъанавий равишда лейбористлар устунлик қилиб келган кўплаб округларда бу сафар консерваторлар ғалаба қилишди. Жумладан, Лондонда энг кўп овозни консерваторлар олишди.

Учинчи катта сиёсий куч — либерал-демократлар парламентдаги ўз ўринлари сонини 11 тага ошириб, 59 тага етказдилар. Улар кўпроқ Ироқдаги урушга қарши бўлганларнинг овозларини олишди. Майда партиялар ва мустақил номзодлар янги парламентда жами 12 та овозга эга бўлдилар.

Мамлакат ҳудудидаги жами 646 округдан 645 тасида сайловлар бўлиб ўтди. Фақат биттасида либерал-демократик партиядан номзоди кўрсатилган Харрисон кутилмаганда вафот этиб қолганлиги учун сайлов ўтказилмади. Сайлов участкалари асосан маҳаллий ҳокимият органлари мактаблар ҳамда маъмурий биноларга жойлаштирилди. Қарийб олти миллион сайловчи почта орқали овоз берди. Бу бутун сайловчилар сонининг 12 фоизига тенгдир. Почта орқали овоз бериш Буюк Британиянинг сайлов тажрибасида диққатга сазовор ҳолат. Шунингдек, сайловда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти назоратчиларининг иштирок этиши ҳам олдин кузатилмаган.

Сайловолди пойгаси жараёнида ҳамиша битта муаммо — сайловчиларнинг иштироки масаласи кўндаланг бўлиб турган эди. Ҳукуматнинг ташқи сиёсатига, биринчи навбатда Ироқдаги урушга норозилик тариқасида кўплаб сайловчилар овоз беришда қатнашмасликлари мумкин, деган тахмин бор эди. Бу тахмин асоссиз бўлиб чиқди. Консерваторлар ва либерал-демократлар Ироқдаги урушга сайловолди пойгасида асосий мавзу сифатида урғу бериб, лейбористларга зарба беришга қанчалик ҳаракат қилишмасин, аҳолининг сайловдаги иштироки юқори бўлди. Аҳоли асосий эътиборни иқтисодга қаратган. Лейбористлар иқтисодий ҳамда ижтимоий соҳаларда юзага келган муаммоларни ҳал этишга ваъда бермоқдалар.

Тони Блэр янги ҳукумат таркибини шакллантиришга киришди. Тахминларга кўра, ҳукумат таркибида жиддий ўзгаришлар бўлмаслиги мумкин.

Хўш, британияликлар янги ҳукуматдан нималарни кутишмоқда? Агар лейбористларнинг сайловолди дастурига назар ташланадиган бўлса, улар солиқни оширмаслик, тиббиёт ва почта хизматини яхшилаш, барча мактабларни таъмирлаш, жиноятчиликни камайтириш, хусусий уй-жой эгалари сонини икки миллион кишига етказиш, инфляция даражасини йилига икки фоиз атрофида ушлаб туриш, конституциявий ўзгаришларни тугаллаш юзасидан жиддий режалар устида ишлашларини маълум қилганлар. Тони Блэрнинг фикрича, Буюк Британия кенг имкониятлар мамлакати бўлиб, ҳар бир инсон жўшқин меҳнати, шахсий ибрати ва қонунларга амал қилиши билан ўзини кўрсата олиши мумкин.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

### Синовларни ўтказмасликка даъват

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад Барадей Шимолий Корея назарий жиҳатдан бир неча атом бомбасига эга бўлиши мумкинлиги ҳақида хабар берди.

Барадей, КХДРда 5-6 ядро зарядини ишлаб чиқаришга етадиган плутоний ва инфратузилма борлигини таъкидлади.

Шу йилнинг февралида Шимолий Корея ядро қуролига эга бўлганлигини маълум қилди. Бироқ бу қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини текшириб кўришнинг иложи бўлмади. Чунки БМТнинг инспекторлари 2002 йилнинг охирида мамлакатдан чиқариб юборилганди.

МАГАТЭ раҳбари Шимолий Кореяга босим ўтказа оладиган мамлакатларни ядро синовларини ўтказмасликка чақиришга даъват этди.

Коинот сирлари

# МАРСГА ПАРВОЗ

## ҚАЧОН АМАЛГА ОШИРИЛАДИ?

Кейинги йилларда «Spirit» ва «Opportunity» «марсоход»лари ҳамда бошқа орбита станциялари Қизил сайёрада тинимсиз кузатувлар олиб бориб, бу ерда сув бўлганлиги ва ўта жўн ҳаёт мавжудлигини тасдиқловчи янги-янги белгиларни аниқламоқда. Ва бу қўшни сайёрага парвозни амалга ошириш ғояси ҳақиқатга айланишини тобора яқинлаштирмоқда. Шунинг учун ҳам 1961 йили АҚШ Президенти Жон Кеннеди инсониятнинг Ойга парвоз қилишини амалга ошириш борасидаги «Apollo» дастурини эълон қилган пайтдагига қараганда бугунги одамлар Марс экспедициясига кўпроқ ишонмоқдалар. Ҳатто Россиянинг нон пишириш саноати институти Марс экспедицияси учун махсус нонлар тайёрлашгани ҳақида маълум қилдилар. Стерилланган ва ёғсизлантирилган бу нонлар совуқ ҳароратда уч йилгача айнимайди.

Бундан ташқари Марс экспедицияси учун Россия «Клипер» дея номланган фазовий кема яратганини ҳам таъкидлаш лозим. Бу кема шу йил ёзда ташкил этиладиган авиасалонда намойиш қилинади. АҚШда эса Марсни ўрганиш билан боғлиқ «Mars Society» жамоатчилик ташкилоти ташкил этилган. Европаликлар бўлса, қизил сайёранинг тупроқ қатламидан намуна олиб қайтадиган «Марсоход» учиришни мўлжаллаб туришибди.

«Mars Society» ташкилоти президенти Роберт Зубриннинг ишонч билан айтишича, яқин йиллар ичида қизил сайёрага одамзотнинг қадами етади. NASA коинот агентлигининг таниқли астробиологи Линни Ротшильд шуни алоҳида таъкидладики, Марс юзасида ўлим хавфини юзага келтирадиган омиллар йўқ. Демак, сайёрада 60 даража совуқ ҳукмронлигини ҳисобга олмаганда, бу сайёрага парвоз қилиш ва уни ўзлаштириш мумкин. Инсон ҳаёти учун у ерда ягона хавф бу — Қуёшдан келаётган кучли ультрабинафша нурларидир. Ер сайёрасида буни атмосферадаги озон қатлами ўзига ютиб, ўтказмайди. Марсда эса бундай эмас, унинг карбонат ангидриддан иборат сийрак атмосфераси бу нурларни осонгина ўтказиб юборади.

Ўтган йил бошларида ушбу сайёрага етиб борган ва бугунги кунда ҳам фаолиятини давом эттираётган «Spirit» ҳамда «Opportunity» «марсоход»лари сайёрада қотиб қолган сув қатламлари борлигини аниқлаган. Маълумотларга қараганда, айрим муз қатламларининг ҳажми Қора денгиздан икки баравар катта экан.

Тарихий манбалардан маълумки, Қора денгиз ҳам қачонлардир цивилизация марказларидан бири бўлгани каби Марсдаги муз океанлари ҳам биринчи ўзлаштириладиган манзиллар бўлиши мумкин.

Яқинда таркибида метан гази бўлган ҳудудлар аниқланди. Бу шундан далолатки, дейишмоқда олимлар, демак, ўша ҳудудларда тирик микроорганизмлар бор, шу тирик микроорганизмлар метан газини ишлаб чиқаради. Фақат буни инсон қадами етгачгина аниқлаш мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, бундан юз йил муқаддам, яъни Марсда ҳам биздек ақлли жонзотлар яшаса керак, деган фикр ҳукмронлик қилган пайтда уларга сигнал жўнатиш бўйича улкан лойиҳалар яратиш ғояси туғилган эди. Унга кўра, Сибир кенгликларида жуда улкан узундан-узун йўлак очиб, унга буғдой экиш, Саҳрои Кабирда эса улкан ва узун анҳор кавлаб, уни нефть билан тўлдириш ва сўнг ёқиб юбориш ғояси илгари сурилган эди. Бу ишларнинг ҳаммаси шундай ҳисоб-китоб билан амалга оширилиши лозим эдики, у самодан Пифагор теоремасини эслатувчи учбурчак шаклида кўриниши шарт эди. Буни марсликлар ўз телескопларида кўриб, Ерда жиннилар яшамаслигига иқрор бўлиши лозим, деган тахминлар баён этилган эди. Ўша пайтда ўзга сайёраликлар айнан Марсдан келиши ҳақида ҳам тахминлар бор эди.

Ҳозирги ривожланган технология замонида бу режалар болаларча соддаликка ўхшаб туюлмоқда. Балки яна вақт келар NASA ва «Mars Society» ташкилотларининг Марсда яшаш учун шароит яратиш мақсадида у ерда атмосферани таркиб топтириш борасидаги режалари ҳам кулгили бўлиб туюлар.

Маълумки, атмосфера таркибида кислород кўп бўлиши, бундан ташқари Марс юзасида сув суюқ ҳолга келиши учун ҳарорат ҳам юқори бўлиши лозим.

Хўш, миллиард йиллардан бери совуқ иқлим ҳукмрон бўлган бу сайёрадаги иқлимни ўзгартириш инсоннинг қўлидан келадими?

Бу саволнинг ҳозирча жавоби йўқ. Лекин кейинги пайтларда иқлимни қўлбола ўзгартиришга тааллуқли «террашакллануv», яъни «терра» лотинча сўз бўлиб, «ер» маъносини англатади, демак, «ершаклланиши» — «яшаш учун мақбул шароит» деган маънони билдирувчи янги атама пайдо бўлганига нима дейсиз? Россия Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Михаил Ковальчукнинг айтишича, бу жараённи «нанотехнология» («нано» — грекча сўз бўлиб, «митти», яъни метрнинг миллиарддан бир бўлагига тенг деган маънони англатади) ва атом даражасидаги операциялар ёрдамида «ўлик сайёра»ларда ҳам сув ва кислород пайдо қилиш эвазига амалга ошириш мумкин экан.

Дарҳақиқат, бу гапнинг тагида жон бор. 1992 йили америкалик физик олим, нанотехнология кашфиётчиларидан бири К.Эрик Дрекслер АҚШ сенатида сўзга чиқиб, барчани ўз «шов-шуви» билан лол қолдирган эди. Унинг айтишича, замонавий фан шунчалар юқори даражага кўтарилдики, эндиликда одамзот олдида турган очлик, қашшоқлик, атроф-муҳит ифлосланиши, экология бузилиши, турли касалликлар сингари муаммолардан нанотехнология ёрдамида қутулиш мумкин. Бу ерда гап молекула ҳажмига тенг микроскопик машиналар яратиш борасида кетмоқда. Инсон ҳаёти учун барча керакли нарсалар улар ёрдамида яратилади, ҳатто кимёвий ва биологик синтез жараёнларини ҳам амалга оширса бўлади.

Худди шундай фикрни Нобел мукофоти совриндори, таниқли олим Ричард Фейнман ҳам 1959 йилдаёқ илмий башорат қилган эди: «олимлар алоҳида атомлар билан ишлашни ўргангач, барча нарсаларни синтез қилишга имконият яратилади».

Дарҳақиқат, Ричард башорат қилган замонлар ҳам яқинлашмоқда.



Марсни ўзлаштиришда кўндаланг турадиган энергетика муаммосини ҳам термоядро энергияси ёрдамида ҳал этса бўларкан: шу кунларда ИТЭР халқаро консорциуми термоядро тажриба реакторини қуриш учун жой танламоқда.

Шу ўринда савол туғилиши мумкин: Марсга ва умуман коинотга парвозлар муваффақиятсиз якунланган пайтлар ҳам бўлганми? Бу саволга «Ҳа» деб жавоб берамиз. Негаки, Марсни урушлар худоси дейишади. Бу бежиз эмас. Унга жўнатилган бир неча самовий аппаратлар йўқ бўлиб кетган. Умуман олганда Марсга жўнатилган ҳар учта аппаратдан иккитаси ҳалокатга учраган. Бундай ҳодисанинг охиргиси янги йил кечаси юз берди: Европанинг Beagle фазовий аппарати ишдан чиқди.

Агар Марсга фазогирлар экспедицияси парвоз этадиган бўлса, бир ярим йил давомида учишга тўғри келади. Ҳозирча эса инсоннинг самода энг узоқ учиши 436 кеча-кундузга чўзилган. Бундай шарафга фазогир Валерий Поляков мушарраф бўлган.

Шу нарсани таъкидлаш лозимки, Марснинг атмосфераси, атроф-муҳити инсоннинг жисмоний иш қобилиятига қай даражада таъсир этади, ракета, умуман, самовий кеманинг техник мустаҳкамлиги бу сайёрада чидаш бера оладими ё йўқми, мана шу нарсалар ҳали номаълумлигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам эндиги тадқиқотлар йўналиши шу томонга қаратилса ажаб эмас.

Энди самовий изланишларни амалга ошириш йўлида ерликлар томонидан бой берилган уринишларни бир эслаб ўтсак.

**1961 йил, 23 март.** Ердаги сурдокамерада чиққан ёнғин оқибатида собиқ СССРнинг илк фазогирлар отряди аъзоси Валентин Бондаренко ҳалок бўлди. Бу ҳалокат ҳақида ҳеч нарса эълон қилинмади.

**1967 йил, 27 январь.** Америка астронавтлари Ойга парвоз этиш учун «Apollo» фазовий кемасида тайёргарлик кўраётган пайтда электр учқунидан чиққан ёнғин оқибатида фазогирлар В.Гриссом, Э.Уайт, ва Р.Чаффилар ҳаётдан кўз юмишган.

**1967 йил, 24 апрель.** Собиқ СССРнинг янги «Союз-1» фазо кемаси Ерга қўнаётиб ҳалокатга учради. Фазогир Владимир Комаров нобуд бўлди. Ҳалокат сабаби: парашют арқонлари ўралиб қолган.

**1970 йил, 14 апрель.** Американинг «Apollo-13» кемаси Ойга парвоз этгач, тўртинчи куни астронавтлар Д.Ловелл, Д.Суиджер ва Ф.Хейсларнинг кислород баклари ёрилиб кетади, двигател мосламасига шикаст етади. Яхшики, тасодиф туфайли фазогирлар омон қолади.

**1971 йил, 30 июнь.** Собиқ СССРнинг «Салют-1» биринчи орбита станцияси Ерга қайтаётиб, кема кабинасининг герметик ҳолати бузилиши оқибатида фазогирлар Георгий Добровольский, Владислав Волков ва Виктор Пацаевлар ҳалок бўлишган.

**1975 йил, 5 апрель.** «Союз» ракетасининг учинчи блоки ишдан чиқиши натижасида, кема Олтой тоғлари устига қулаб тушди. Фазогирлар Василий Лазарев ва Олег Макаровлар тасодиф билан тирик қолишди. Ўша йилнинг ёзида эса собиқ СССР ва Америка ҳамкорликда учирган, сўнг фазода туташтирилган «Союз» — «Аполлон» ракеталари Ерга қўнаётиб, экипаж аъзолари зўрға тирик қолган. Ўшанда экипаж командири Т.Стаффорд кислородли ниқоблар тарқатишга улгургани боис, экипаж ерга тирик қайтиш бахтига мушарраф бўлганди.

**1983 йил, 26 сентябрь.** Собиқ совет давлати ракетаси парвозга старт олаётганда кутилмаганда ҳалокатдан қутқарув тизими ишлаб кетади ва фазогирлар Владимир Титов ҳамда Геннадий Стрекаловларни автоматик катапульта ташқарига улоқтиргани боис тирик қолишди. Негаки, икки сониядан сўнг ракета портлаб кетди.

**1986 йил, 28 январь.** АҚШнинг кўп бор қўлланиладиган «Challenger» ракетаси Ердан самога кўтарилаётиб, 75 сониядан сўнг портлаб кетди. 7 нафар экипаж аъзосининг барчаси ҳалок бўлди.

**1999 йил, 23 июль.** АҚШнинг «Columbia» ракетаси самога старт олгач, 5 сония ўтиб-ўтмай қисқа туташув юз бергани боис учта асосий двигателнинг иккитасидаги электрон бошқарув блоки ишдан чиқди. Экипажни муқаррар ҳалокатдан «Шаттл» русумидаги кеманинг биринчи аёл командири Айлен Коллинз қутқариб қолишга муваффақ бўлди.

**2003 йил, 1 ферваль.** Американинг энг эски шаттли — «Columbia» Ерга қўнаётиб портлаб кетди. Экипажнинг барча аъзоси (улар 7 нафар эди), шу жумладан, Исроилнинг биринчи астронавти Алан Рамон ҳам ҳалок бўлди.

Кўриниб турибдики, инсониятнинг нафақат Марсга, балки умуман самовий тадқиқотларга интилиши хавф-хатардан ҳоли эмас. Бироқ шундай бўлса-да, ўзга оламларга қизиқиш сусаймаётганини ривожланган давлатларда тузилаётган режаю-лойиҳалар ҳам тасдиқлайди. Жумладан, «Роскосмос» раҳбари Анатолий Перминов яқинда ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилишича, Халқаро космик станция 2015-2020 йилларда Ойга, 2030-йилларда эса Марсга парвозни режалаб турибди. Бу оламшумул дастурда АҚШ, Россия, Канада, Япония сингари дунёнинг 14 та давлати фаол иштирок этмоқда. Бироқ бу лойиҳалар улкан харажатларни талаб қилади. Лекин нима бўлганда ҳам очилажак улкан ва залворли кашфиётлар иштиёқи инсониятни харажатлар олдида эсанкираб қолишига йўл қўймаслиги аниқ.

Демак, саноқли йиллардан сўнг амалга ошадиган инсониятнинг ўзга сайёрага илк ташрифи XXI асрнинг улкан воқеасига айланади.

**Алимбек ТОШБЕК**

### 2008 йилгача улгуролмайди

Россия мудофаа вазири Сергей Ивановнинг айтишича, Грузияда жойлашган Россия ҳарбий қўшинларини мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун камида тўрт йил вақт керак экан. «Гап ҳарбий базаларни олиб чиқиб кетишни қачон бошлашда эмас, балки уни қачон якунлашда. Ҳарбий техника ва шахсий таркиб ҳисоб-китоб қилиниши керак — қаерга нимани жойлаштириш, ўз ҳудудимизда уларга қулай шароитли замонавий иморатлар қуриш, зобитларни уй-жой билан таъминлаш, қисқаси ҳарбий шаҳарчалар тиклаш масалаларини ҳал этиш лозим. Бунинг учун камида тўрт йил вақт кетади» деди вазир ва гапини давом эттириб, ҳарбий қўшинни олиб чиқиб кетиш осон иш эмаслигига эътиборни қаратди. Бу мақсадлар учун эса ҳозирча бюджетдан маблағ ажратилмаганлигини, 2006 йилдагина қўшимча молиялаш масалалари кўриб чиқилиши мумкинлигини таъкидлади.

Бу ҳақда «Новости» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

### Генерал унвони пасайтирилди



АҚШ Президенти Жорж Буш Американинг қуруқликдаги қўшинлари бригада генерали Жанис Карпинскини Ироқдаги «Абу-Грейб» қамоқхонасида маҳбусларни қийноққа солган бир неча ҳарбийлар устидан қўзғатилган иш учун полковник унвонигача туширди.

АҚШ қонунларига биноан генерал унвонини пасайтириш масаласини президент ҳал қилади.

«Абу-Грейб» қамоқхонасидаги маҳбусларни сақлаб туриш учун жавобгар бўлган ҳарбий бўлинмага айнан Карпински қўмондонлик қилган.

### Парад бўлиб ўтди

Москвада фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 60 йиллигига бағишланган парад бўлиб ўтди. Унда тўрт мингга яқин фронт қатнашчилари ва етти минг Россия ҳарбийси иштирок этишди.

— Биз ҳеч қачон бу ғалаба фақат бизники ёки бировники демаймиз,— деди Россия президенти Владимир Путин.

Қизил Майдонда бўлиб ўтган парадни элликка яқин давлат бошлиқлари томоша қилишди.

Спорт

# ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ОСИЁ РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАШДИ

Тош кўтаришнинг уч кураш (пауэрлифтинг) баҳслари бўйича Ҳиндистонда XVI Осиё чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Аллипей шаҳрида уюштирилган мазкур нуфузли мусобақада қитъамизнинг йигирма олти давлати спортчилари ғолиблик учун майдонга чиқдилар. Муросасиз кечган баҳсларда ҳамюртларимиз муваффиқиятли иштирок этишди. Қитъа чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган йигирма икки нафар спортчимиз 38 олтин, 12 кумуш ва 12 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида мезбонлардан кейин фахрли иккинчи ўринни эгаллашди.

— Чемпионат мусобақалари вакилларимиз учун анча омадли келди, — дейди Ўзбекистон пауэрлифтинг федерацияси президенти Эркин Қодиров. — Ушбу баҳсларда бир қатор ёшларимиз ҳам ўз кучларини синаб кўрдилар. Кутилмаганда улар чемпионат беллашувларида ўзларини кўрсатишди. Маҳбуба Захарова (56 кг.), Темур Ҳакимжонов (67,5 кг.), Юлия Систенко (90 кг.), Алан Жоев (100 кг.) ҳамда Сардор Тўйчиев (125 кг.) сингари маҳоратли спортчиларимиз ўз вазн тоифаларида Осиё чемпиони унвонига сазовор бўлиб, қитъа рекордини янгиладилар. Жумладан, эндигина йигирма ёшга кирган тошкентлик Сардор Тўйчиев штангани кўтарган ҳолда ўтириб-туриш баҳсларида 330 килограмм натижа кўрсатиб, мутахассису мухлисларни ҳайратга солди.

— Етти йилдан бери шу спорт тури билан шуғулланаман, — дейди олтин медаль соҳиби Маҳбуба Захарова. — Пауэрлифтингга иштиёқ менга ойим ва опаларимдан ўтган. Ойим Наталья Владимировна халқаро тоифадаги спорт устаси, фахрийлар ўртасида Осиё чемпиони. Илк сабоқларни ҳам у кишидан олганман. Кўпчилик бу аёлларга хос бўлмаган спорт тури, дейишади. Бунга унчалик қўшилмайман. Агар инсон ўзида ирода топа олса, у хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эркак ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқади. Мен ёшлар ўртасида ўз вазн тоифам бўйича уч кураш баҳсларида 330 килограмм натижага эришиб, Осиё рекордини янгиладим. Ниятим шу йил сентябрда ёшлар ўртасида АҚШда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида ҳам олтин медални қўлга киритишдир.

# ҚИТЪА ФУТБОЛ ФЕСТИВАЛИ

AFC U-13 FESTIVAL OF FOOTBALL

3-7 май кунлари пойтахтимизда болалар ўртасида (U-13) Осиё футбол фестивали бўлиб ўтди. «Солиқчи» стадионида уюштирилган мазкур катта спорт байрамида мамлакатимиз ёш «чарм тўп» усталари билан биргаликда Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Эрон, Ҳиндистон давлатлари вакиллари ҳам қатнашдилар.

— Болалар футболини ривожлантириш мақсадида ташкил этилаётган бундай фестиваллар қитъамизнинг яна олтита минтақасида ўтказилмоқда, — дейди Осиё Футбол конфедерацияси менежери Жита Сингх. — Унда қатнашаётган иштирокчилар ўз маҳоратларини оширишлари билан биргаликда халқаро мусобақалар кўникмаларини олаётганликлари айниқса қувонарли. Бундан ташқари, фестиваль доирасида болалар мураббийлари ҳамда ёш ҳакамлар малакасини ошириш халқаро курслари ҳам ташкил этилди. Фестивални юксак савияда ўтказиш мақсадида ОФК асосий эътиборни натижага эмас, аксинча майдонда ёш футболчиларнинг рақибига нисбатан ҳурмат ва ҳалоллик мезонларини шакллантиришига эътибор қаратмоқда. Мусобақа якунида иштирокчиларнинг турли номинациялар бўйича тақдирланиши ҳам биринчи навбатда ана шу мезонларга хизмат қилади.



Фестиваль сўнггида Бекжон Нуркешули (Қирғизистон), Самад Боний (Эрон), Расул Файзиев (Тожикистон), Руслан Мингазов (Туркманистон), Максим Уткин (Ўзбекистон) сингари умидли футболчилар «Энг иқтидорли иштирокчи» номинациялари бўйича қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Футбол фестивали менда катта таассурот қолдирди, — дейди Максим Уткин. — Мусобақанинг ҳар бир куни жуда мазмунли ўтди. Турли давлатлардан келган тенгдошларимиз билан меҳмонхонада бирга яшаб, битта стадионда тўп сурдик.

Инсон хотираси — азиз

# ЯХШИЛИК СОҒИНЧИ



Мамлакатимизда илм-фан равнақи йўлида фидойилик кўрсатган, улкан кашфиётлар яратган кўплаб олимлар етишиб чиққанидан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар юртимизда асрлар давомида шаклланиб келган илм-фан мактабларини давом эттириш баробарида, дунё тамаддунига ҳам маълум маънода ҳисса қўшганлар. Геология фанлари доктори Каримжон Пўлатов амалга оширган илмий тадқиқотлар ҳам бугун соҳа билимдонлари томонидан юксак баҳоланади. Чунки олим қай бир масала юзасидан изланиш олиб бормасин, аввало унинг халқ хўжалигига келтирадиган фойдасига кўпроқ эътибор қаратарди.

Олимнинг илмий фаолияти Тошкент давлат техника университети билан боғлиқ. У мазкур ўқув даргоҳини тамомлагач, кафедрада тадқиқотчи, доцент, кафедра мудири, факультет декани лавозимларида самарали меҳнат қилди.

У бутун умрини гидрогеология муҳандислиги фани ривожига бағишлади. Илмий фаолияти давомида бир қанча мураккаб соҳалар бўйича кузатишлар олиб борди. Устози, академик Ғани Мавлонов тавсиясига кўра, ўтган асрнинг 60-йилларида Қарши чўлларини ўзлаштириш мақсадидаги тадқиқотларда фаол қатнашди. Олим чўлни табиат қонуниятларига мос ҳолда ўзлаштириш ҳар томонлама фойдали эканлигини илмий жиҳатдан асослаб берди. Бироқ у илгари сурган докторлик иши собиқ иттифоқ даврида қатағонга учради. Диссертация бир неча йиллар ёқланмай қолиб кетди. Ниҳоят, мустақилликнинг дастлабки йилида олим ўзининг «Жануби-ғарбий Ўзбекистонда тарқалган лёсс ва лёссимон жинсларнинг чўкувчанлиги ва уларни башорат қилиш» мавзуидаги докторлик ишини ёқлади.

Каримжон Пўлатов 150 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилди, ўнлаб ўқув услубий қўлланма, 5 та монография яратди. Бир қанча илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилди. Домла ўзининг фаолияти давомида кўплаб шогирдларни тарбиялаб етиштирди. Унинг фан ривожидаги хизматларига хорижий ва мамлакатимиздаги мутахассислар юқори баҳо бердилар.

— Отамиз ўзларининг илмий хулосаларини, ўтаётган ҳар бир куни, кўрган-кечирганларини кундалик дафтарига муҳрлаб борган эканлар, — дейди Комилжон Пўлатов. — У кишидан бизга жуда катта бойлик — илм, одамийлик, одиллик мерос бўлиб қолди.

Ҳалол меҳнати туфайли эл эътибори ва ҳурматига сазовор бўлган Каримжон Пўлатовни ҳамкасблари, шогирдлари одамларга яхшилик улашувчи инсон сифатида эслашади. Бугун унинг эзгу амалларини фарзандлари, шогирдлари давом эттирмоқда. Даврараларда гап кетса, камтарин, бағрикенг олимни ҳамма ҳурмат билан ёдга олади. Дарҳақиқат, ҳалол, фидойи инсонларгина ўзидан яхши ном, ёруғ хотира қолдиришади.

**Маъмуржон УМРЗОҚХЎЖА**

# ДЕБЮТАНТ ЯНА ЮТҚАЗДИ



Футбол бўйича Ўзбекистон XIV миллий чемпионати олий лига жамоалари олтинчи тур учрашувларини ўтказдилар. «Пахтакор» ва «Машъал»нинг етакчи футболчилари 1 — 8 май кунлари мамлакат миллий терма жамоаси таркибида Москвада ўқув-йиғин машғулотларида қатнашганлиги туфайли уларнинг ўйинлари бошқа кунларга кўчирилди. Жумладан, «Пахтакор» — «Металлург», «Локомотив» — «Машъал» жамоалари учрашувлари кейинроқ ўтказиладиган бўлди.

«Насаф» футболчилари бу сафар Самарқандда зафарли юришини давом эттира олишмади. Тенг курашлар остида ўтган мазкур ўйинда жамоалар дурангга натижага эришишди — 0:0. Ўз майдонида Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини қабул қилган «Нефтчи» футболчилари рақиблари дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 2:0. Аввалги турда сафарда «Трактор» устидан йирик ҳисобда ғалаба қозонган «Тўпаланг» жамоаси эса Сариосиёда «Навбаҳор» футболчилари билан тенг ўйнади — 1:1.

Олий лига дебютанти Ғузорнинг «Шўртан» жамоаси рақиблари дарвозасига биронта тўп кирита олгани йўқ. Сўнгги турда ғузорликлар ўз майдонларида «Қизилқум» футболчиларига қарши майдонга чиқишди ва яна «анъана»ларига содиқ қолишди — 0:2. «Бухоро» футболчилари эса «Трактор» жамоасининг шиддатли ҳужумларига дош бера олмадилар — 0:3.

**Эркин ХОЛБОБО**

### ОЛТИНЧИ ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1. «Насаф»** | **6** | **5** | **1** | **0** | **15-4** | **16** |
| **2. «Пахтакор»** | **5** | **4** | **1** | **0** | **23-1** | **13** |
| **3. «Нефтчи»** | **6** | **4** | **0** | **2** | **11-4** | **12** |
| 4. «Самарқанд-Д» | 6 | 3 | 2 | 1 | 4-2 | 11 |
| 5. «Машъал» | 5 | 3 | 1 | 1 | 8-6 | 10 |
| 6. «Навбаҳор» | 6 | 3 | 1 | 2 | 7-3 | 10 |
| 7. «Тўпаланг» | 6 | 2 | 2 | 2 | 6-9 | 8 |
| 8. «Қизилқум» | 6 | 2 | 1 | 3 | 5-8 | 7 |
| 9. «Локомотив» | 5 | 2 | 1 | 2 | 4-12 | 7 |
| 10. «Сўғдиёна» | 6 | 2 | 1 | 3 | 3-12 | 7 |
| 11. «Трактор» | 6 | 2 | 0 | 4 | 6-9 | 6 |
| 12. «Бухоро» | 6 | 1 | 0 | 5 | 6-18 | 3 |
| **13. «Металлург»** | **5** | **0** | **2** | **3** | **5-8** | **2** |
| **14. «Шўртан»** | **6** | **0** | **1** | **5** | **0-12** | **1** |

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### ЮМУШНИНГ ЁМОНИ ЙЎҚ

Бу билан: «Ўз юмушингдан, касб-корингдан нолима, кўнглингни совитма, унча-бунча қийинчилиги бўлса чида, сабр-тоқат қил. Сен яхши, осон, қулай деб ўйлаган бошқа касбларнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари, ноқулайликлари бор, бўлмасдан иложи ҳам йўқ», деган маънода тасалли берадилар, панд-насиҳат қиладилар.

### ЮК ЙИҒИЛИБ, ТАЙЛОҚҚА ҚОЛДИ

(тайлоқ — туя боласи.) Ҳаётда баъзан шундай бўладики, оила бошлиқлари, катталар бирор сабаб билан бир ёққа кетиб қолса оилани боқиш, рўзғорни юргизиш ҳали вояга етмаган ўспиринлар, йигитчалар ё қизлар зиммасига тушади. Мазкур мақолни шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда қўллайдилар.


Ташкилот ва корхоналар диққатига!

**«Ўздаврархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг маркази**

# ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**Термиз шаҳридаги вилоят болалар шифохонасини мукаммал таъмирлаш.**
**Бошланғич нархи — 122,32 млн. сўм. Қурилиш муддати — 180 кун.**
Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
**Буюртмачи: Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси.**
Манзили: Термиз шаҳар, А.Чалишев кўчаси, 8-уй. Тел.: 3-17-04, 3-66-97.

*Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик — муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздаврархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:*

***Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.***

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.*

*Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳар, А.Чалишев кўчаси, 8-уй.*



# ОАО СП «AYSEL-INVEST»

*Объявляет о проведении годового собрания акционеров ОАО СП «AySel-Invest», которое состоится 10 июня 2005 г.*

*По адресу: г.Ташкент, А.Тимура, 88.*

*Начало регистрации: 10 час 00 мин. Начало собрания: 11 час 00 мин.*

*Повестка дня:*

*1. Рассмотрение итогов финансово-хозяйственной деятельности общества за 2004 год.*

*2. Утверждение отчета руководителя исполнительного органа общества за 2004 год.*

*3. Утверждение заключения аудитора общества.*

*4. Утверждение отчета Ревизионной комиссии.*

*5. Утверждение годового баланса и отчета о прибылях и убытках общества за 2004 год.*

*6. Распределение прибылей и убытков общества за 2004 год.*

*7. Переизбрание/продление полномочий руководителя исполнительного органа общества.*

*8. Переизбрание/продление полномочий членов Наблюдательного совета на 2005 год.*

*9. Переизбрание/продление полномочий членов Ревизионной комиссии на 2005 год.*

*10. Утверждение аудитора общества на 2005 год и размера оплаты его услуг.*

*11. Определение порядка и размера выдачи вознаграждений членам Наблюдательного совета.*

*При себе иметь документ, удостоверяющий личность, представителям акционеров-нотариально заверенную доверенность.*

*Акционеры могут ознакомиться со всей информацией и материалами общего собрания по адресу: г. Ташкент, ул. А.Тимура, 88.*

**Телефоны для справок 120-49-00**

**Бухгалтерский баланс на 01.01.2005 г.**

| Актив | тыс.сум | Пассив | тыс.сум |
|---|---|---|---|
| Основные средства | 6,020,226.70 | Уставный капитал | 1,237,760.40 |
| Нематериальные активы | 146,892.20 | Добавленный капитал | 267,163.80 |
| | | Резервный капитал | 659,619.50 |
| | | Непокрытый убыток | -2,015,003.70 |
| | | Целевые поступления | 275,752.80 |
| **Итого по разделу I** | **6,167,118.90** | **Итого по разделу I** | **425,292.80** |
| Производственные запасы | 360,240.40 | Долгосрочные обязательства | 4,712,908.60 |
| Расходы будущих периодов | 349,021.00 | Кредиторская задолженность | 1,113,340.70 |
| Дебиторы | 55,257.30 | Прочие отсроченные обязательства | 761,390.60 |
| Денежные средства | 62,946.40 | | |
| Краткосрочные инвестиции | 18,348.70 | | |
| **Итого по разделу II** | **845,813.80** | **Итого по разделу II** | **6,587,639.90** |
| **Всего по активу** | **7,012,932.70** | **Всего по пассиву** | **7,012,932.70** |

**Счет прибылей и убытков за 2004 г.**

| Показатели (тыс.сум) | Доходы (прибыль) | Расходы (убыток) |
|---|---|---|
| Чистая выручка от реализации | 1,243,538.90 | |
| Себестоимость реализованной продукции | | 1,129,131.60 |
| Административные расходы | | 223,946,40 |
| Операционные расходы | | 286,782,40 |
| Прочие доходы | 8,620.30 | |
| Расходы по финансовой деятельности | | 607,279.50 |
| Прибыль (убыток) до уплаты налогов | | -994,980.70 |
| Прочие налоги и сборы от прибыли | | 45,004.80 |
| Чистая прибыль (убыток) отчетного периода | | -1,039,985.50 |

*Достоверность финансовой отчетности ОАО СП «Aysel-Invest» за 2004 год подтверждена заключением от 18.03.2005 г. аудиторской проверки АФ «Korifey-audit»*

*Лицензия № 00199 от 24.09.2001г., выдана Министерством финансов РУз.*

***Сообщение о существенном факте ОАО СП «Aysel-Invest»***

***Порядковый номер сообщения — 07*** *(наступление даты закрытия реестра)*

*Дата принятия решения — 04 мая 2005 г.*

*Дата, на которую составляется список владельцев ценных бумаг, имеющих право на участие в годовом общем собрании акционеров — 10 мая 2005 г.*

*Решение принято Наблюдательным советом общества.*

***Наблюдательный совет***



BOSH MUHARRIR:
**Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY`ATI:
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Farruh HAMROYEV**
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV**
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Norbobo SHAKAROV**
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV**
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
**Siyosat, partiya va xalqaro hayot** 133-44-55
**Ma`naviyat va ma`rifat** 133-69-45
**Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot** 133-20-36
**Parlament va huquq** 136-76-21
**Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik** 133-21-43
**Xatlar va ommaviy ishlar** 133-12-56 (Tel. Faks)
**Mas`ul kotib** 133-72-83
**Reklama va e`lonlar** 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
**700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.**

Navbatchi:
**Ilhom KAROMOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
**Sahifalovchi-dasturchi:**
**Ikromjon ISMOILOV**

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.**
**Korxona manzili:**
***Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.***

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***

**«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.**

Г — 454

9213 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O'zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti — 24.00
**2 3 4 5 6**

**Sotuvda erkin narxda**